# СИЁСИЙ ЕТУКЛИК САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинишида ҳиссаси бор.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари барча аъзоларининг қарийб ярмини ташкил этган, Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастур ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга муносиб улуш қўшдилар. Чунончи, улар, маҳаллий партия ташкилотлари билан ҳамкорликда, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, тегишли инфратузилмаларни ривожлантириш, янги иш жойларини яратиш, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий муҳофазалаш ишларини яхшилаш масалаларини ҳал этишда фаол иштирок этдилар.

ХДП депутатлар фракцияси ва гуруҳлари ҳамда маҳаллий партия ташкилотлари сайлов округларида бевосита ишлаш масалаларига катта эътибор билан ёндошдилар. Фақат биринчи чақириқ Олий Мажлисдаги партиямиз фракцияси аъзолари ўз сайловчилари билан 2000 мартадан ортиқ маротаба учрашиб, мулоқотда бўлдилар. Шу билан бир қаторда, улар партия ташкилотлари томонидан уюштирилган турли сиёсий-маърифий тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб, Ўзбекистон ХДПнинг дастурий ғоялари, республикамиз раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсатини тарғиб қилишга кўмаклашдилар.

Барча даражалардаги маҳаллий партия кенгашлари ҳузурида депутат қабулхоналарининг ташкил этиш амалиёти ўзини тўла оқлади. Сайловлар оралиғидаги вақт ичида ушбу қабулхоналарда депутатларимиз, жами бўлиб, 250 мингга яқин фуқарони қабул қилдилар. Қабуллар пайтида киритилган таклифлар ва кўтарилган муаммолар 75 фоизининг ижобат топганлиги, ҳеч шубҳасиз, нафақат депутатларимизнинг, шунингдек, айни пайтда, бутун партиянинг ҳам обрўйи ошишига хизмат қилди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси 1999 йилдаги ялпи сайловларга ўзининг сертармоқли ташкилий тузилмалари, 500 мингдан кўпроқ аъзолари ва парламентчилик соҳасида тўплаган муайян тажрибаси билан етиб келди.**

Мустақиллик йилларида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий ривожланиши, юз берган туб ўзгаришлар Ўзбекистон ХДПнинг жамиятдаги мавқеига таъсир қилмай қўймади, уни ўзининг ташкилий тамойиллари ва фаолияти устуворликларини замон талабларига мослаштиришга ундади. Булар партиянинг 1999 йил 8 октябрда бўлиб ўтган III қурултойида қабул қилинган, янги таҳрирдаги Дастури ва талай ўзгартиришлар киритилган Низомида ўз аксини топди.

Ўзбекистон ХДП асосий ҳужжатларининг янгиланиши унинг сиёсий фаолиятида туб ўзгариш юз берганини билдирмас эди. Партия олдингидек мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни давом эттириш ва фаолиятнинг парламентчилик усулларини қўллаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни охирига етказиш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллашини таъминлаш тарафдори бўлиб қолаверди.

Шундай бўлса-да, партия жамиятни демократиялаштириш, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва ижтимоий ҳаётига дахлдор кўпгина муҳим масалаларда ўзининг янги ёндошувлари, муайян нуқтаи назарига эга бўлди, унинг сиёсий ўзлиги кучайди. Ушбу ўзгаришларнинг инъикоси унинг 1999 йилги парламент сайловлари муносабати билан қабул қилинган Сиёсий дастуридир.

Мазкур сайловларда бешта сиёсий партия, аҳолининг ташаббускор гуруҳлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларининг иштирок этиши (шу туфайли, айрим сайлов округларида бир ўрин учун 6-7 тадан номзод курашди), сиёсий рақобатни ниҳоят даражада кучайтириб юборди. Шунга қарамай, Ўзбекистон ХДП мамлакатимиз барча даражалардаги давлат ҳокимияти вакиллик идораларида салмоқли ўринларни эгаллади. Иккинчи чақириқ Республика Олий Мажлисига ундан 49 нафар депутат сайланди. Бўшаб қолган округларда ўтказилган қўшимча сайловлар якунларини ҳам ҳисобга олганда, парламентдаги вакилларимизнинг умумий сони ҳозирги кунда 52 тага етди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари орасида ХДПдан сайланганлар улуши 37 фоиздан ошиқдир.

Партиямизнинг 2000 йилдаги президент сайловларида ўз номзоди билан иштирок этиши ўта масъулиятли ва муҳим қадам эди. Бу билан ташкилотимиз мамлакатдаги демократик жараёнларни амалда қўллаб-қувватлади ва шу соҳада муайян сиёсий амалиёт тажрибасини орттирди.

**Серқирра фаолият, қийинчиликларни енгиш, камчиликларни бартараф этиш жараёнида партиянинг ўзи ҳам ўсиб-улғайди, сафларини кенгайтирди, аҳоли ўртасида таъсирини оширишга ҳаракат қилди. 2001 йил 1 январь ҳолатига кўра, партиямиз аъзоларининг умумий сони 552106 нафарни ташкил этди. Улар Ўзбекистонда истиқомат қилувчи 62 миллат вакилларидирлар.**

ХДП кенгашлари республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида фаолият юритмоқдалар. Ўзбекистон ХДПнинг асоси унинг таркибидаги 14581 та бошланғич, шу жумладан, барча партия аъзоларининг ярмидан кўпини бирлаштирган 5524 та ҳудудий ташкилотдан иборат. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи партия кенгашлари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят, шаҳар ва туманларда мавжуд.

Ҳар йили ХДП сафига ўрта ҳисобда 40 минг киши қўшилмоқда. Уларнинг ярмидан кўпи — хизматчилар, 40 фоиздан зиёди аёллардир. Партияга кираётганларнинг 60 фоизини ёшлар ташкил этаётганини ХДП дастурий мақсадлари уларни ўзига тортмоқда, ўзига жалб этмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Бошқача айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон ХДП мамлакатимиздаги ўз нуфузли депутатлик жамоасига, кўплаб масалаларда ўзининг аниқ нуқтаи назарига эга бўлган энг оммавий сиёсий партиядир. Буларнинг барчаси парламентчилик ишини янада такомиллаштириш, ХДПнинг парламентчилик соҳасидаги фаолиятини самарали уддалаш уни, айниқса, партиянинг салмоқли депутатлик салоҳияти мавжуд минтақавий ва маҳаллий миқёсларда кучайтириш имконини беради.

**2000 йилнинг бошларида Ўзбекистон ХДПнинг барча тузилмавий бўғинлари олдида турган энг муҳим, яъни партияни ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш, сайловчилар ўртасида унинг обрўси ва таъсирини кучайтиришни таъминловчи сиёсий ва ташкилий вазифалар мажмуи аниқланди.**

Энг аввало, бу ерда гап партиянинг парламентчилик фаолиятини янада такомиллаштириш, уни икки асосий йўналиш бўйича изчил ривожлантириш тўғрисида бормоқда. Уларнинг биринчиси, бу — Ўзбекистон ХДПнинг Республика Олий Мажлисидаги фракцияси ишида фаоллик ва ташаббускорликни кучайтириш. Бундан асосий мақсад — янги таҳрирдаги партия Дастурининг мўлжал ҳамда устувор йўналишларидан келиб чиқиб, парламентнинг қонунчилик ишида фракциянинг амалий иштирокини кенгайтириш ва уни янада самаралироқ қилишдир. Партия учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган иккинчи йўналиш — деярли барча халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган ХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини кескин равишда яхшилашдан иборат. Улар партия Дастури ва унинг сайловолди ҳужжатида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тегишли минтақавий, маҳаллий дастур ҳамда қарорлар лойиҳаларини тайёрлашда ташаббус кўрсатиб, уларни рўёбга чиқариш жараёнида қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишловчи кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш, мактаб, болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, ижтимоий инфратузилманинг бошқа жабҳаларини бюджетдан етарли молиялаштирилиши каби масалаларга эътибор қаратишлари лозим.

Биз ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, зиёлилар, аҳолининг мададталаб қатламлари манфаатларини янада фаолроқ, дадилроқ ҳимоя қилишни ўрганишимиз керак. Бу ишни ошкора амалга ошириш, бунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари, жойларда ўтказиладиган фаоллар йиғилишлари, сайловчилар билан учрашувлар минбарларидан ҳамда маҳаллий телевидение ва матбуотдан кенг фойдаланиш даркор. Тоинки, одамлар Ўзбекистон ХДП, ўз депутатлик гуруҳлари ва маҳаллий ташкилотлари орқали, қонун берган имкониятдан фойдаланиб, уларни қизиқтираётган масалаларни ҳокимият ва бошқарув идоралари олдига қўяётганлигини кўрсинлар.

Олдимизда турган даврда партия ишларининг оғирлик марказини аҳоли истиқомат жойларида тузилган ҳудудий партия ташкилотларига кўчириш тўғрисидаги, 1994 йилдаги сайловлардан кейин қўйилган, вазифа бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ. Шу билан бирга, Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун ижтимоий қатламларнинг энг кўп сонлиси — бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар билан тўлдираётган, демак, инфляция ва унинг оқибатида келиб чиқувчи салбий ҳолатларни енгишда асосий вазифани бажараётган меҳнат аҳлига таяниш алоҳида аҳамиятга эга.

**Партиянинг бутун тарихи давомида унинг халқаро алоқалари муттасил ривожланмоқда.**

Ўзбекистон ХДП халқаро фаолиятининг бош тамойили — хорижий мамлакатларнинг демократик йўналишдаги сиёсий партиялари ва жамоат ҳаракатлари билан ҳамкорлик учун очиқлик ҳамда тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатишдан иборат. Партия фаолиятининг ушбу йўналишида асосий эътибор Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг бошқа аъзолари билан дўстона, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга, ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, илмий ва маданий алмашувлар, Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрўсини оширишга имкон даражасида кўмаклашишга қаратилмоқда. ХДП ташкил этилган биринчи йилларданоқ унинг Германия Социал-демократик партияси, Франция Социалистик партияси, Ҳиндистон Миллий Конгресси (И) партияси, Хитой ва Вьетнамдаги мамлакатни идора этувчи ҳамда қатор бошқа хорижий сиёсий партиялар билан делегациялар айирбошлаш, ахборотлар алмашиш борасидаги икки томонлама алоқалари ривожланиб бормоқда.

Хорижий мамлакатлар сиёсий доираларининг Ўзбекистон ХДПга бўлган қизиқиши ҳам катта. Марказий Кенгашда 100 дан ортиқ чет эл делегациялари ва меҳмонлар қабул қилинди. ХДП вакиллари БМТ, ЕХҲТ ва бошқа кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан ўтказилаётган семинар ҳамда «давра суҳбат»ларида фаол иштирок этмоқдалар.

Партия вакиллари, депутатлари жаҳоннинг қатор, АҚШ, Буюк Британия, Бельгия, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Япония каби, мамлакатларида бўлиб, улардаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг кечиши, парламентчилик фаолияти билан танишдилар.

Ўзбекистон ХДП мамлакатимизда ва жаҳонда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга ўзининг муносабатини мунтазам равишда билдириб келмоқда. Чунончи, у халқаро терроризмга қарши жаҳон ҳамжамиятининг биргаликдаги курашини ташкил этиш масаласида аниқ нуқтаи назарни эгаллади, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бошчилигидаги мамлакат раҳбариятининг шу соҳадаги сиёсий йўли ва амалий ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

**Таъсис қурултойи ўтган кундан буён ХДПнинг ички ҳаётига муайян фаоллик ва мазмунийлик хосдир.**

Партиянинг учта қурултойи бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар, туман ва шаҳар кенгашлари конференциялари Низомда кўзда тутилган муддатларда ўтаётир. Марказий ва маҳаллий партия кенгашлари пленумлари мунтазам ўтказилмоқда. Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси ҳамда Котибияти фаоллик ва уюшқоқлик билан ишламоқда. Республикамизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига оид долзарб масалалар — партия сайланма органларининг доимий эътиборида. Улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, бошланғич партия ташкилотлари мустақиллигини чекламайди, аксинча, уларга жорий вазиятда муҳим вазифаларни янада яхшироқ белгилаш имкониятини беради, барча партия аъзоларининг фаолияти учун зарур бўлган уюшқоқлик ва иноқликни таъминлайди.

Партиямизнинг дастурий мақсадларини изчил қўллаб-қувватлаётган барча аъзолари — унинг энг катта бойлиги. Улар нафақат ХДП сафига кириб, онгли равишда сиёсий қарор қабул қилдилар, балки, партиянинг ҳаёти ва унинг серқирра ижтимоий-сиёсий фаолиятининг жўшқин иштирокчилари ҳамдирлар.

Партиянинг оёққа туриши ва ривожланишида унинг фаоллари — бошланғич партия ташкилотлари котиблари, вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари, Ўзбекистон ХДП МК аъзолари салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. ХДПдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайланган депутатларимиз ҳам ўзларини энг ташаббускор ва обрўли партия аъзолари сафида эканликларини амалда исбот қилмоқдалар.

**Ўзбекистон ХДПнинг барча аъзолари, унинг фаоллари партиямизнинг қарор топиши ва ривожланишида давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг шахсий хизматларини ва у киши томонидан олиб борилаётган, юртимизда, усиз замонавий демократияни тасаввур этиб бўлмайдиган, ҳақиқий кўппартиявийликни барча чоралар билан ривожлантиришга қаратилган, сиёсатнинг аҳамиятини юксак қадрлайдилар.**

**Бугунги кунда Марказий Кенгаш ва жойлардаги маҳаллий партия кенгашлари Ўзбекистон ХДПнинг янги таҳрирдаги Дастурида илгари сурилган вазифаларни бажариш, партиянинг бутун фаолиятини такомиллаштириш устида ҳормай-толмай ишламоқдалар. Биз уларни, албатта, самарали уддалаймиз.**

**Дастурий ғояларимиз — жозибадор, фаолиятимиз — серқирра, Ўзбекистон ХДП ҳаёти эса тобора мазмунлироқ бўлмоқда. Ўтган ўн йил ичида партиямиз ғоявий жиҳатдан бойиди, сиёсий жиҳатдан чиниқди. Унинг ихтиёрида янада олға ҳаракат қилишнинг катта имкониятлари, шунингдек, бунинг мустақил Ўзбекистон халқи бахт-саодати йўлида самарали фаолият кўрсатишга азму қарор қилган маслакдош-сафдошларимизнинг қатъий иродасидек, мустаҳкам пойдевор бор.**

■ **Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби**

# АБДУЛҲАҚ АБДУЛЛАЕВ



Ўзбек маданияти ва санъати оғир жудоликка учради.

Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги, миллий тасвирий санъатимизнинг улкан намояндаси Абдулҳақ Абдуллаев 83 ёшида вафот этди.

Абдулҳақ Абдуллаев бетакрор ижоди билан халқимизнинг ҳурмат-эътиборини қозонган, тасвирий санъат соҳасида ўзига хос мактаб яратган мўйқалам соҳиби, ёшларнинг ғамхўр устози эди.

У Самарқанд рассомлик билим юртини тамомлагач, Суриков номидаги рассомлик институтида ўз маҳоратини оширди. Олтмиш йиллик ижодий фаолияти давомида тасвирий санъатимиз ривожига унутилмас ҳисса қўшди. Абдулҳақ Абдуллаев портрет жанрида самарали ижод қилиб, бир қанча тарихий шахслар, фан, маданият ва давлат арбобларининг образларини яратди. Айниқса, унинг мўйқаламига мансуб Алишер Навоий портрети буюк шоир ва мутафаккир сиймосининг ёрқин тасвири сифатида тан олинган эди. Рассомнинг портрет жанрининг бетакрор намуналари сифатида халқаро миқёсда эътироф этилган кўплаб асарлари дунёдаги нуфузли музейлардан муносиб ўрин эгаллаган.

Бутун ҳаётини санъат йўлига бағишлаган Абдулҳақ Абдуллаев умрининг охиригача фаол ижод қилди. У гўзал рангтасвир асарлари билан бирга ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган ўнлаб рисола ва мақолалар ҳам яратди.

Абдулҳақ Абдуллаевнинг санъат ва маданиятимиз равнақи йўлидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон халқ рассоми» унвони, Давлат мукофоти ва «Эл-юрт ҳурмати» орденига сазовор бўлган эди.

Ноёб истеъдод эгаси, меҳрибон устоз, олижаноб инсон Абдулҳақ Абдуллаевнинг ёрқин хотираси халқимиз қалбида абадий сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, Ҳ. КАРОМАТОВ, Х. СУЛТОНОВ, Х. ЖЎРАЕВ, Т. ҚЎЗИЕВ, Р. ШОАБДУРАҲМОНОВ, А. ОРИПОВ, Р. АҲМЕДОВ, Р. ЧОРИЕВ**

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2002 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга ______ (почта индекси) ______ (манзилгоҳ)

Кимга ______ (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в | Жойи

Нашрга етказиш варақаси 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

| Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | сўм | обуна сони |
|---|---|---|---|
| | Баҳоси | сўм | |

2002 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга ______ (почта индекси) ______ (манзилгоҳ)

Кимга ______

«ОБУНА — 2002»

Орамизда шундай одамлар борки, бир қараганда ўз иши, ўз тирикчилиги билан овора-дек туюлади. Лекин улар билан яқиндан танишиб, уларнинг қалбига қулоқ солсангиз, улар элим деб, юртим деб меҳнат қилиб ёниб яшаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Шундай инсонлардан бири Марғилон шаҳрида яшаётган Неъмат Нуриддиновдир.

Унинг суҳбатларини эшитиб тўймайсиз. «Ҳар бир инсон ўзининг чин инсон эканлигини намоён этадиган замон келди», — дейди ва ўзи ҳар бир ишда одамларга ўрнак бўлса арзигулик юмушларни бажаради. «Бир-биримизга ишониб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб яшайлик. Кимнингки қўлидан озгина иш келса ҳам эринмаслик керак, уни охирига етказмоқ зарур», — дейди. Айниқса, ҳунарманд одам ўзини эмас, ўзгаларга нафи тегишини ўйламоғи зарур. Қува туманидаги М. Раҳматов номли жамоа хўжалигида уни танимаган одам йўқ. Ҳар йили бир ҳафта ўн кун бола-чақаси билан пахта теримига келади.

Элни эл қилгувчи деҳқонлар. Ҳар қандай иймонли кишилар деҳқонларга мадад бериши, уларни қўллаб-қувватламоғи зарур. Нон осмондан ёғилмайди, ердан унади, деҳқоннинг меҳнати билан бўлади.

Уста Неъмат Нуриддинов тез-тез Марғилондаги кар-соқовлар мактабига бориб, беваbечоралар фарзандларига қўлидан келганича мурувват кўрсатиб туради. Болаларга ўз шеърларидан ўқиб беради.

— Бундай тантилик, мурувват ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бизга ҳомийлик қилиб турадиган биргина одам бор, у ҳам бўлса уста Неъмат Нуриддинов. Қани энди шундай азиз шаҳар Марғилонимизда бундайлар сафи кўпайса эди, — дейди шаҳар кўзи ожизлар мактаби директори Каримжон Жумабоев. — Уста Неъмат тез-тез ногиронлардан хабар олиб туради. Байрамларда уйига дастурхон ёзиб уларни рози қилади. Анча оилаларга моддий ёрдам беради, кам бўлмасин. У шаҳримиздаги 12-мактабга 100.000 сўм топшириб, аъло ўқиган болаларга беринглар, деди.

Бағри кенглик, саховатпешалик зиёлилик билан уйғунлашса янада яхши. Уста Неъмат республикамизда чоп этилаётган барча нашрларни мунтазам ўқиб боради. У киши «Ўзбекистон овози» газетасига биринчилардан бўлиб обуна бўлдилар ва яна 5 нафар маҳалладошини ҳам нашримизга ўз ҳисобидан йиллик обуна этишга жазм қилибди.

Одамларнинг кўнглига йўл топган, халқ меҳрини қозонган Неъмат ака каби инсонлар миллатимиз чеҳраси, юртимизнинг кўркидир.

■ **Ўз мухбиримиз**

# САХОВАТНИНГ КАТТА-КИЧИГИ ЙЎҚ

# «БЕШЧИНОР» МИЛЛИОНЛАРИ

*Инсондан яхшилик, хайрли ишлар, қурилган бинолар қолади. Бандихон туманини обод этаётган, чўлни гулзорга буркаётган Йўлдош Эргашев эса тадбиркор. У 1997 йили «Бешчинор» фермер хўжалигини ташкил этди. Елиб-югурди, тинимсиз меҳнат қилди. 34 гектар ер майдонидан омилкорлик билан фойдаланиб кўплаб қишлоқдошларини бойитди, миллионер қилди. Бултур ғалла ва пахта топшириш режалари ортиғи билан адо этилганди — 5,5 миллион сўмлик даромад олинган. Бу йил эса 7 миллион сўмни кўзлашмоқда.*

*— Ишласа бўлади, — дейди фермер. — Хизр назар қилган заминимиз ҳеч кимни қуруқ қолдирмайди. Энг асосийси — ерни алдамаслик. «Бешчинор»нинг бешта истиқболли режаси бор. Насиб қилса ўз ҳисобимиздан қишлоқ ёшларига стадион, спорт кошонаси қуриб бермоқчимиз. Макарон цехи, «Оталар чойхонаси» ва «Келин-куёв» боғи бунёд этишни ният қилганмиз.*

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ**



**Республикамизда ҳар бир соҳада тубдан янгиланиш даври кетмоқда. Жумладан, истеъмолчиларга юқори савияда хизмат кўрсатишда бу яққол намоён бўлаётир. Элу юрт хизматида, Ватан равнақи йўлида минглаб корхона ва ташкилотларнинг кенг миқёсдаги фаолияти бунинг далилидир. Ана шундай ташкилотлардан бири «Тошкентнефтьмаҳсулотлари» корхонасига қарашли 130-АЁҚШдир.**

**— Ташкилотимиз 1999 йил ташкил топган бўлиб, унда 19 нафар ходим хизмат қилади, — деди биз билан суҳбатда жамоа раҳбари Алишер Миралимов. Маҳсулотларни асосан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводидан оламиз. Кунига 50-60 тонна сифатли маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. АЁҚШ четдан келтирилган турли аппаратлар ва компьютер билан тўлиқ жиҳозланган бўлиб, компьютер орқали сотилган маҳсулотнинг нархи ва ҳажми аниқ кўрсатиб турилади. Бу эса бизга ҳам, истеъмолчи учун ҳам жуда қулай. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Автомобилларнинг турли эҳтиёж қисмларини сотадиган мини-маркет, вулканизация хизматидан барча мамнун.**



■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**




Суратларда: **1. Сотувчи Равшан Хабилов ва иш юритувчи Хикмат Ходжаев. 2. Ёнилғи қуювчи Ҳусан Иноятов. 3. Машина ювувчи Хамроқулов.**

## ҲАРБИЙЛАР ОЛИБ ЧИҚИЛМОҚДА



Исроил ўз ҳарбий қисмларини Фаластин тасарруфидаги ҳудудлардан чиқара бошлади. Маълумки, Исроил вазирига суиқасд уюштирилгач, бунга жавобан Исроил ҳарбийлари Фаластин тасарруфидаги ерларни ўз назоратига олишганди. Эндигина Арофат ва Шимон Перес ўртасида тинчлик учун музокаралар бошланаётган бир пайтда ушбу ҳодисаларнинг юзага келиши, албатта, дунё ҳамжамияти томонидан эътирозга учради. Қатор давлатлар Исроил ҳарбий қисмларини олиб чиқиши зарур, деган талабда тўхташди.

Шуниси ачинарлики, ҳарбий қисмларнинг чиқарилиши мобайнида ҳам бир қанча тўқнашувлар бўлиб ўтган. Тель-Авив шимолида жойлашган Хадер шаҳрида юз берган отишмалар ҳақида Би-Би-Си хабар берди. Исроил радиоси отишмани уюштирган жангарилар хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан отиб ташланганини маълум қилди. Ушбу ҳужум «Ислом жиҳоди» экстремистик гуруҳи томонидан амалга оширилган. Фаластин маъмурияти эса жавобгарлар жазога тортилиши ҳақида баёнот берган. Террористик ҳужум оқибатида тўрт киши ҳалок бўлган ва ўндан ортиғи жароҳатланган.

## ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА



Американинг «USA Today» газетасининг ёзишича, Пентагон яқин кунларда Афғонистон ҳудудида ўз ҳарбий базасини очиш тайёргарлигини кўраяпти. Пентагон маъмурияти манбаларига суянган газета, ушбу базанинг 600 дан зиёд ҳарбийларни сиғдиришга мўлжалланаётгани ва асосан АҚШнинг ер устидаги ҳужумларига хизмат қилиши ҳақида ёзади. Бу режалаштирилаётган база Афғонистон шимолида шимолий қўшинлар тасарруфидаги ҳудудда қурилади, деган тахминлар бор.

# XORIJDA

## ЧЕРКОВ ЎҚҚА ТУТИЛДИ



Покистон жанубида черков ўққа тутилган. Полиция маълумотига кўра, номаълум кишилар мотоциклда келиб, воқеани содир этишган. Бу пайтда ибодатхонада юзга яқин кишилар бўлган. Теракт оқибатида 16 киши ҳалок бўлган, кўплар эса жароҳатланган. Полиция ушбу жиноятда мамлакатда тақиқланган диний экстремистик гуруҳларни гумон қилаяпти.

## ДЕНГИЗЧИЛАР ЎЗ ҚИШЛОҚЛАРИДА ДАФН ҚИЛИНАДИ



Россия ҲДФ Шимолий флот матбуот хизмати бошлиғи Владимир Навроцкий берган маълумотларга кўра, ҳозиргача сув юзасига кўтарилган «Курск» сувости атом кемасидан 45 денгизчининг жасади чиқарилган, улардан 18 нафарининг шахси аниқланган. Шимолий флотнинг нобуд бўлган денгизчилар қариндошлари билан ўтказган мулоқотига кўра, уларнинг яқинлари денгизчиларни ўз она шаҳарлари ва қишлоқларида дафн этишни маъқул кўришган.

Умуман, «Курск» ҳалокатига доир Россия бош прокурори Владимир Устинов бошқараётган тергов ишлари ҳам олдинги тахминларга деярли янгилик қўшмади. Портлаш сабаблари ҳозирча ноаниқ. Фақат портлаш натижасидаги тафсилотларгина бойитилди. Бош прокурорнинг баёнотига кўра, денгизчиларни қутқаришнинг имкони мутлақо бўлмаган, кема узоғи билан 8 соат ичида чўкиб кетган. Шунингдек, В. Устинов кемада портлаган торпедо ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Бироқ, бу торпедонинг портлаши кемани ишдан чиқариши мумкин эмас, деб таъкидлайди у.

Шунингдек, Россия ҲДФ қўмондони адмирал В. Куроедов «Курск» ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин бўлган «Петр Великий» крейсеридан отилган ракета ҳақидаги тахминни ҳам рад этди.

Хуллас, шу билан «Курск» ҳалокатини ўрганаётган тергов гуруҳининг илк хулосалари якун топди. Кемадан чиқарилган денгизчиларнинг исм-шарифлари эса то сўнгги денгизчининг жасади чиқарилмагунга қадар жамоатчиликка маълум қилинмайди. Ҳозирча ушбу комиссия ўз якуний хулосасини эълон қилганича йўқ. Бунинг учун ҳали яна кеманинг бош қисмини сув остидан чиқариш зарур бўлади.

## КЕМАДА ПОРТЛАШ ЮЗ БЕРДИ

Шарқий Хитой денгизида ҳаракатланаётган Хитой юк кемасида портлаш юз берган. Оқибатда олти киши ҳалок бўлган ва ўн бешга яқин денгизчи бедарак йўқолган.

«Тунхой» деб номланган бу кемада газ ортилган цистерналар бўлган. Кема бўронга дуч келиб, ундаги хавфли юк портлаб кетган, деган фикр билдиришмоқда мутахассислар.

## НОМАЪЛУМ САМОЛЁТ

Шанба куни Италия ҳаво ҳудудига номаълум самолёт учиб кирган. Ҳукумат зудлик билан бу самолётни назорат қилишга иккита қирувчи F-104 самолётларини йўллаган. Қирувчилар назорати остида самолёт Италия ҳудудини тарк этган. Аниқланишича, самолёт Ливия авиакомпаниясига тегишли экан.



## ТОШКЕНТ ҲАЙВОНОТ БОҒИДА







■ Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

## ХИТОЙДА ЗИЛЗИЛА

Хитойда бўлиб ўтган зилзила оқибатида 3,5 мингдан ортиқ бинолар вайрон бўлган. Ҳозирда ҳукумат бошпанасиз қолган фуқароларга ижтимоий ёрдам уюштирмоқда. Зилзила рихтер шкаласи бўйича 6 балл даражада қайд этилган. Табиий офат оқибатида бир киши ҳалок бўлган, 130 га яқин киши турли жароҳатлар билан шифохонага ётқизилган.

## ГЎЗАЛЛИК САЛОНИДА ЁНҒИН

Япония пойтахтида 6 қаватли бинода жойлашган «Гўзаллик салони»да ёнғин юз берган. Ёнғин оқибатида икки киши ҳалок бўлган. Салон ишчиларининг ўнга яқинини ўт ўчирувчилар қутқариб қолишган.



ОЧИҚ ГАПЛАР

# МАШМАША

2000 йил 28 декабрда меҳнат таътилидан қайтган Б. Жафаровга янги минг йиллик ва янги асрнинг боши ноқулай келди. Уни 2001 йил 3 январь куни «гумбурлатиб» вазифасидан бўшатдилар! Бўшатганда ҳам Б. Жафаровнинг «жиноятлари фош қилиниб», бўшатилди. Корхона ходимларига сўз берилмади, уларнинг фикри билан биров қизиқмади ҳам, сўзламоқчи бўлганларга раҳбарлар уларнинг фикрини эшитиш учун келмаганларини очиқ-ойдин айтиб мажлисни тугатдилар.

Туйқусдан берилган бундай зарбадан эсанкираб қолган корхона хизматчилари раҳбариятнинг менсимасликларидан ғазабланиб, ўша куннинг ўзидаёқ касаба уюшмаси раисидан умумий мажлис ўтказишни талаб қилдилар ва вилоятдан келган раҳбарлари: «Сурхондарётелеком» директори Шавкат Якубов ва шу корхона касаба уюшмаси раиси Даминовларни мажлисга таклиф қилдилар. Бироқ улар мажлисга қатнашишдан бош тортдилар. Сариосиё филиали ходимларининг умумий мажлиси барибир ўтказилди ва ходимлар бир овоздан қонунга хилоф равишда бўшатилган бошлиқлари Б. Жафаровни ўз вазифасига тиклаш ҳақида қарор чиқаришиб, юқори ташкилотларга мурожаат қилдилар.

Б. Жафаров «қамчига елка тутиб турадиганлар» хилидан эмасди: зудлик билан вилоят мутасаддилари ва Республика почта ва телекоммуникациялар агентлигига телеграмма жўнатди. Улар аризани текшириб, Б. Жафаров вазифасидан ноқонуний бўшатилганини эътироф этишди ва уни ўз вазифасига тиклашни уқтирдилар. «Сурхондарётелеком» директори Ш. Якубов «юқоридан» келган бу талабномаларни бажармади.

Ниҳоят, Б. Жафаров Термиз шаҳар судининг битим баённомаси билан 2001 йил 21 март куни ўз вазифасига тикланди.

Сариосиё филиали хизматчиларининг қувончи узоққа бормади: Б. Жафаров 2001 йил 15 апрелда қамоққа олинди...

Б. Жафаровни Сариосиё филиалига қарашли 200 литр бензин ёнилғисини «талон-торож» қилишда айбладилар. Мақоламиз давомида ҳали бу «талон-торож» масаласига қайтамиз. Б. Жафаров 2001 йил 9 июнда озод қилинди. 2001 йил 25 июлда эса Шўрчи туман суди Б. Жафаровга қўйилган «талон-торож» айбловини бекор қилиб, жарима билан чекланди. Шундан буён олий маълумотли мутахассис Б. Жафаров адолат қидириб, ишсиз юрибди.

Энди 200 литр ёнилғи можаросига қайтсак. Ватанимиз фуқароларини ташвишга солган Узун, Сариосиё воқеалари барчамизнинг эсимизда. Ўша ташвишли кунларда Сариосиё филиалидаги эски «УАЗ» машинаси бузуқ эди. Б. Жафаров ҳарбийлар билан ҳамкорликда алоқа хизматини йўлга қўйиш учун тинимсиз кечаю кундуз ўз шахсий машинасида хизмат қилди. Бензинни ўз машинасига қуйиб ишлатган бўлса ҳам, лекин ўша бузуқ «УАЗ» машинаси номерига чиқим қилди. Чунки ўша ташвишли кунларда кўпчиликнинг хаёлига Ватан ҳимоясидан бошқа ўй сиғмас эди.

Б. Жафаров бу бензинни ўз манфаатлари йўлида харажат қилган эмас. Унинг Сариосиё воқеаларининг бошланиши ва якунланишигача бўлган даврда ўз автомашинаси билан хизмат қилгани ва узлуксиз алоқа билан таъминлаш учун жонбозлик кўрсатгани ҳақида Сариосиё воқеаларининг бевосита иштирокчиси бўлган ҳарбий муассасалар тақдим этган ҳужжатлар бор. Сариосиё филиали учун ҳам ташвишли ўтган ўша кунларда «Сурхондарётелеком» директори Якубов филиал хизматчиларининг ҳолини сўраб бир марта ҳам Сариосиё туманига келган эмас. Филиал бундай қизғин кунларда алоқани қай даражада таъминлаётгани, қандай қийинчиликларни бошдан кечираётгани

1

билан қизиқмаган. Шунга қарамай Б. Жафаровга «совуққонлик» айби қўйилди. Гўё Б. Жафаров қилган иш «Сурхондарётелеком» корхонаси учун фавқулодда ҳолдек қабул қилинди. Ваҳоланки, «Аудит-фимини» аудиторлик фирмаси аудитори Артемьеванинг «Сурхондарётелеком» ва унинг филиалларида бухгалтерия ҳисобларини текшириш натижалари ҳақида 2000 йил август ойидаги хулосасида Узун филиалида 1999 йилда 1025 литр, 2000 йилнинг 1-ярмида 530 литр бензин ёнилғиси асоссиз харажат қилгани қайд этилган. Лекин Узун филиали бошлиғи ҳибсга олинмади, мансаб сохтакорлигида айбланмади ҳам. Чунки қариндош-уруғчиликка йўл қўйилди.

Б. Жафаровни айблаш учун рақиблар ўнлаб сохта маълумотли ҳужжатлар тайёрлашган. Биз бу ҳужжатларнинг ҳаммасини таҳлил қилишни истамадик ва бунга имкониятимиз йўқ. Лекин айримлари ҳақида гапириб ўтмасак бўлмайди.

Б. Жафаровни 2001 йил 3 январда вазифасидан ноқонуний четлатганларидан сўнг... «Сурхондарётелеком» директори Ш. Якубов ва касаба уюшмаси раиси Даминовларнинг 2000 йил 5 декабрда (Жафаров меҳнат таътилида бўлган пайтда) чиқарилган № 231-сонли қўшма буйруқ-қарори пайдо бўлди. Бу буйруқ билан 6 та филиал раҳбарлари қаторида Б. Жафаров ҳам хизматчиларнинг сентябрь ва октябрь ойларидаги маошини кечиктирганлиги учун маошнинг 20 фоизи миқдорида жарима қилингани кўрсатилган. Қизиғи шундаки, текширув давомида биз 2000 йил 5 декабрда чиқарилган яна битта 231-сонли буйруққа дуч келдик. Бу иккинчи буйруқ «Биллинг марказини ташкил қилиш олдидан инвентаризация ўтказиш ҳақида» деб аталган. Бунинг қай бири сохта эканлигини аниқламоқчи бўлганимизда, «Биллинг» ҳақида чиқарилган буйруқдан ҳамма филиалларнинг хабари бор, аммо 20 фоизлик жарима ҳақидаги буйруқдан ҳатто жазоланганларнинг ҳам хабари йўқлиги аниқ бўлди. Бу буйруқ Б. Жафаровнинг ўз вазифасидан бўшатилганлигини «қонунлаштириш» учун чиқарилганга ўхшайди. Бунақа сохта буйруқ чиқариш ва уни «комиссия»ларга тақдим этиш мансаб сохтакорлигига кирмайдими?!

«Ўзбектелеком»нинг собиқ раиси А. Жўрабоевнинг Б. Жафаровнинг ўз вазифасига лойиқ ёки нолойиқлигини аниқлаш учун 2001 йил 13 апрелдаги буйруғига асосан тузилган комиссиянинг текширув хулосаси — (бу пайтда Жафаров ҳибсда бўлган) 2001 йил 20 апрелда тузилган далолатнома кўриб чиқилса, унда келтирилган «фактлар» совуннинг кўпигидек экани билиниб қолади. Далолатномада ёзилишича Б. Жафаров:

«Меҳнат интизомини бузиб, йил давомида 24 та республика ва туманлараро селектр мажлисларга қатнашмаган ва мазкур буйруқларни бажармаган».

Б. Жафаровнинг бу «айб»ни содир этгани ҳақида биророта тасдиқловчи ҳужжат йўқ. Яна унда ёзилишича: «Ўз қўл остидаги хизматчиларга қўпол муомалада бўлиб, уларнинг эркини паймол қилган, ҳақорат қилган, аёлларга нисбатан тажовуз қилган».

Агар Б. Жафаров ўз ходимларини «ҳақорат қилган, уларнинг эркини паймол қилган»да эди, филиалнинг деярли барча ходимлари уни ҳимоя қилмаган бўлар эди. «Аёлларга нисбатан тажовуз қилган» деган жумлага келсак, бу ёлғон гап эканлигини жамоа аёллари ҳам тасдиқлашди.

2

Далолатномада кўрсатилишича, Сариосиё филиалида янги телефонлар ўрнатиш режаси бажарилмаганига ҳам, хизматчиларнинг 2000 йил сентябрь, октябрь ойларида маошини ўз вақтида олишмаганига ҳам Б. Жафаров айбдор, деб топилган.

Кейинги икки йил мобайнида I метр ҳам кабел Сариосиё филиали шўъба корхонасига берилмаган бўлса, режани қандай бажариш мумкин?! Хизматчилар маоши ҳақида гапирадиган бўлсак, «Сариосиётелеком»нинг марказлаштирилган бухгалтерияси филиалнинг ёрдамчи ҳисоб рақамига пулни вақтида ўтказиб бермаса, маошни ўз вақтида тўлаб бўладими?! Яна бир ёлғони шундаки, ёрдамчи ҳисоб рақамига пул тушганданоқ сентябрь, октябрь ойлари маоши тўланган. Бу «айблар»ни Жафаровга тўнкашдан мақсад, нима қилиб бўлса ҳам Жафаровни айблаш.

Келинг, Б. Жафаровга қўйилган ҳақ-ноҳақ «айб»ларни «Сурхондарётелеком» директори Ш. Якубов ва унга ёрдамга келган «комиссия»нинг виждонига ҳавола қилайлик-да, «Сурхондарётелеком» шўъба корхонасининг ҳозирги аҳволи ҳақида қисқагина тўхталиб ўтайлик.

«Сурхондарётелеком» шўъба корхонасида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши бўйича ўтказилган текширувлар асосида, 2001 йил 4 сентябрда ёзилган ахборотномада қуйидаги ҳолатлар қайд этилган:

— Қишлоқда яшовчи ҳар 100 кишига 1,14 та телефон аппарати тўғри келади. Бу кўрсаткич республика кўрсаткичи(3,5 та)дан 3 баробар кам.

— 1995 йил «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникацияси тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастури тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 307-сонли қарорининг иловасига мувофиқ 2000 йилгача 115 минг телефон нуқталари ташкил қилиш белгиланган. Бу кўрсаткич ҳозирда 57 мингтани ташкил қилади.

— Корхонада Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январь қарорига биноан ижро интизомини мустаҳкамлаш борасида 7 пунктдан иборат тадбир ишлаб чиқилган, бироқ ушбу тадбир қоғозда қолиб кетган. Ҳужжатлар билан ишлаш йўлга қўйилмаган.

— Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги марказий аппаратининг иш юритиш ва назоратни ташкил этиш бўйича чиқарган йўриқномаси талабларига тўлиқ риоя этилмаган. Йўриқнома асосида иш юритиш борасида ўқув семинарлари ташкил этилмагани сабабли ҳужжатларни қабул қилиш, ижро этиш учун тегишли чораларни ўз вақтида кўриш, ижрочиларга ўз вақтида етказиш ва назоратдан чиқариш ишлари ёмон аҳволда.

— Корхонада кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларни босқичма-босқич раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш йўлга қўйилмаган. Корхона тизимида олий маълумотга эга бўлган кадрлар етарли бўлишига қарамас-

3

дан, раҳбарлик лавозимларида ўрта махсус маълумотли кадрлар ишлаб келмоқда.

Қаранг, ёзаверсак камчиликлар чиқаверар экан.

2001 йилнинг 1-ярмида «Сурхондарётелеком»нинг ўзида ишловчи 4 нафар ходимга корхона мулкини талон-торож қилганликлари учун 4 та жиноий иш қўзғатилди. Жиноий жавобгарликка тортилганлардан бири шу корхонанинг техник директори М. Раҳимов эди. Директор Ш. Якубовнинг бурни остида бўлаётган ишлардан хабарсиз бўлиши-ю, Сариосиё тумани филиалида ишлаётган Б. Жафаровнинг «аёлларга нисбатан тажовуз қилган»ини билиши кишини ҳайрон қолдиради...

«Сурхондарётелеком» директори Ш. Якубовнинг «УЗИ» қўшма корхонасига, яъни ўзи бевосита бўйсунадиган юқори ташкилотга корхонанинг дебитор қарзлар ҳақидаги ҳисоботлари ҳам худди 231-сонли буйруққа ўхшаб иккита ёзилган. Тошкент учун ёзилган ҳисоботда дебитор қарзлар 2000 йил 1 сентябрь ҳолатида 126725,0 минг сўм деб кўрсатилган бўлса, корхонанинг бухгалтерия ҳисоботида 162852,0 минг сўм кўрсатилган. Республикага берилган ҳисоботда 36127,0 минг сўм яшириб қолдирилган. Бундай яширишлар бу корхонада биринчи марта қилинаётгани йўқ. 2000 йилда даромадни яширганлиги учун корхона 3 миллион сўм жарима тўлаган эди...

«Сурхондарётелеком» корхонасининг турли хусусий фирмалар билан қилаётган молиявий муносабатлари ҳам негадир шубҳали. «УЗИ» қўшма корхонаси бош директори муовини Эргаш Ҳакимовнинг бевосита аралашуви билан 2000 йил 23 октябрда банкдан олинган кредит ҳисобидан «Азизтаев Б.» хусусий фирмасидан №50 шартнома асосида обдон ишлатилган «Газел» русумли автомашинани 1121-сонли тўлов варақаси орқали 5,3 миллион сўмга сотиб олган. Ўша пайтларда «ПрессТИЖ» газетасида шунақа янги машинанинг қиймати 3,5 миллион эканлиги эълон қилинган эди. Ёки «Гулхан» қўшма корхонасидан донаси 2500 сўмдан нархланиб сотиб олинган 160 та белкуракларнинг 1 донаси Термиз шаҳрида 600 сўмдан ошмас эди.

Мансабдор шахснинг хизматда уруғ-аймоғига ён босиши одатда адолат мезонлари бузилишига олиб келади. «Сурхондарётелеком»га Тошкент темир йўл транспорти олийгоҳини битирган Шавкат Якубов раҳбар бўлиб келгач, 1200 дан ортиқ ишчи ва хизматчиси, 15 тадан ортиқ филиаллари бор катта корхонага ўрта махсус билимли Р. Файрушиннинг бош ҳисобчи, Устемиров Рустамнинг бош ҳисобчи муовини, собиқ ўқитувчи Раҳимжонов Фариднинг техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими раҳбари этиб тайинланиши қариндошга ён босиш эмасми?!

Гап кўп-у, яхшиси Б. Жафаровнинг «саргузашт»ларига қайта қолайлик.

Рақиблари унинг қасддан қилмаган хатосини тутиб олиб, уни «синдириш» йўлида фойдаландилар. У суддан кейин вилоят корхонаси директори Ш. Якубовга ҳам, «УЗИ» қўшма корхонаси бош директори Т. Бикметовга ҳам мурожаат қилиб кўрди. Улар эса Б. Жафаровнинг «судланган»лигини рўкач қилиб, ўз вазифасига тиклаш у ёқда турсин, алоқа тизимидан мутлақо четлатдилар. Аммо айни чоғда судланиб, корхона мулкини талон-торож қилганлиги аниқ исботланган ва амнистия туфайли жазоланмай қолган «Сурхондарётелеком»нинг техник директори М. Раҳимовнинг Учқизил филиалига бошлиқ этиб тайинланишига унинг судланганлиги ҳеч қандай таъсир кўрсатмади. Ахир, қонун олдида Б.Жафаров билан М. Раҳимовнинг ҳуқуқлари тенг эмасми?!

■ Холиқ ХУРСАНДОВ

4

